

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**Капитал таъмирланиши тугалланган
турар жой ва жамоат бинолари ҳамда
иншоотларни ишлатишга қабул
қилиш қоидалари**

ҚМҚ 3.01.09-97

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

Тошкент 1997

УДК 69.059.25 (083.13)

ҚМҚ 3.01.09-97 “Капитал таъмирланиши тугалланган турар-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотлари ишлатишга қабул қилиш қоидалари”.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ: Ўзбекистон Республикаси ҚХВ «Ўзбектаъмирлойиха» ДЛИ Е. Г. Аренберг – мавзу раҳбари, И. Е. Варакин, З. А. Косячкова – масъул ижрочилар.

КИРИТИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси ҚХВ “Ўзбектаъмирлойиха” ДЛИ.

МУҲАРРИРЛАР: Т.Н.Набиев, В.Э.Сташис, Ф.Ф.Бакирханов (Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмитаси), А.В.Антипов (БошДавэкспертиза), Е.Г.Аренберг («Ўзбектаъмирлойиха» ДЛИ).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНДИ: Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмитасининг лойихавий ишлар Бошқармаси Д.А.Ахмедов.

ҚМҚ 3.01.09-97 «Капитал таъмирланиши тугалланган турар-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни ишлатишга қабул қилиш қоидалари»нинг ишга туширилиши муносабати билан ВСН 42-85 /Р/ «Капитал таъмирланиши тугалланган турар-жой биноларини қабул қилиш қоидалари» ўз кучини йўқотади.

МУВОФИҚЛАШТИРИШДИ: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁКХБ, Ўзбекистон Республикаси Давтабиат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давшаҳтехназорати.

Таржимон – Халикова М.И.(«Ўзбектаъмирлойиха»)

Ушбу хужжатни Давархитектурқурилишқўм рухсатисиз тўла ёки қисман нусха кўчириб, кўпайтириб расмий нашр сифатида тарқатилиши ман қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси “Давархитектқурилиш”	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 3.01.09-97
	Капитал таъмирланиши туғалланган турар жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни ишлатишга қабул қилиш қоидалари	ВСН 42-85(р) Ўрнига

Ушбу қоидалар капитал таъмирланиши туғалланган турар жой ва жамоат биноларини ҳамда иншоотларни (келгусида объектлар деб аталувчи) ишлатишга қабул қилишнинг умумий тартибини ўрнатади ҳамда давлат бошқаруви ва назорати маҳкамалари, буюртмачилар, маблағ ажратувчилар, қурувчилар, корхоналар, ташкилотлар, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қурилишга жамғарма ажратиш жараёни катнашчилари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Капитал таъмирланиши туғалланган объектларни буюртмачи, инвестор ёки қурувчи (келгусида буюртмачи деб аталувчи) томонидан қабул учун давлат ҳайъатига кўрсатилади.

1.2. Агар капитал таъмирлаш лойиҳаси объектни кенгайтириш, қайта қуриш ва замонавийлаштириш унсурлари кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ишлатишга қабулда ҳайъатга Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси билан келишилган атроф муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари топширилиши лозим.

1.3. Таъмирланган объектларни давлат ҳайъатига кўрсатиш олдиндан топширув ва қабулни буюртмачи тайинлаган ишчи ҳайъат амалга оширади.

Агар лойиҳа бинонинг айрим унсурларини (том ёпмаси, фасад, ташқи коммуникациялар, муҳандисий ускуналарнинг айрим турлари, ташқий ободонлаштириш) таъмирлаш кўзда тутилган бўлса, уларнинг ишга қабулини буюртмачи тайинлаган ҳайъатлар амалга оширади.

1.4. Капитал таъмирланиш туғалланган объектларнинг ишга қабули лойиҳа-смета ҳужжатларида тасдиқланган барча таъмир қуриш ишлари бажарилганидан, ҳамда ишчи ҳайъат ошқор қилган барча нуқсонлар ва чала ишлар бартараф қилинганидан сўнггина амалга оширилади.

1.5. Бошқа хизматли қўшилган (мосланган) хоналарга эга бўлган объектларни, таъмирлаш қурилиш ишлари, жумладан қўшилган (мосланган) хоналар бўйича, агар шартномада бошқа ҳол кўзда тутилган бўлмаса, туғаллангандан кейингина қабулга тошириш лозим.

Қўшилган (мосланган) хоналарда жойлашган объектларнинг ишга қабулини тегишли ҳайъат томонидан алоҳида далолатнома бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси КХВ «Ўзбектаъмирлойиҳа» Давлат лойиҳа институти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 30 декабрдаги 124-сон буйруғи билан тасдиқланган	Жорий этиш муддати 1997 йил 1 март
---	--	--

1.6. Объектнинг қабул вақти сифатида давлат қабул ҳайъатининг далолатномаси имзоланган муддат олинади.

1.7. Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув маҳкамалари ушбу қоидаларни такомиллаштира бориб, маҳаллий шароитларга боғлиқ равишда ўз қарорлари билан ишчи ва давлат ҳайъатлари таркибини ҳамда шу ҳайъатларга кўрсатилувчи ҳужжатлар рўйхатини аниқлаштиришлари мумкин.

2. Буюртмачининг, лойиҳа, таъмир-қурилиш ташкилотларининг, ишчи ва давлат ҳайъатларининг маъсулияти

2.1. Буюртмачилар капитал таъмири тугалланган объектларни белгиланган муддатларда тайёрлаш ва ишга топширишга масъулдирлар, мутахассислашган ташкилотлар томонидан, ҳайъат ишлатишга қабул тайёргарлигини бошлагунча, ишга туширишсозлаш ишларини ўтказишни таъминлайди.

2.2. Лойиҳа ташкилотлари капитал таъмирланиши тугалланган объектларнинг таъмирланиши ва ишга қабули жараёнида юзага келувчи лойиҳалаш билан боғланган барча масалаларни ечишга масъулдирлар.

Муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назорати ҳақидаги мавжуд қоидаларга мос тарзда масъулиятлидирлар.

2.3. Пудратчи қурилиш ташкилотлари лойиҳада тасдиқланган ва мавжуд меъёрий ҳужжатларга мос шартномада кўрсатилган муддатларда таъмирлаш-қурилиш ишларини сифатли бажаришга, шунингдек, ишларни бажаришда экологик ҳавфсиз усулларга риоя қилишга ҳамда давлат (ишчи) қабул ҳайъати ошкор қилган нуқсонларни ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга масъулдирлар.

2.4. Ушбу қоидаларни бузган ҳолда объектларни ишлатишга қабулга мажбур қилувчи ҳайъат аъзолари ва шахслар Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунчилигига мос тарзда маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

3. Ишчи ҳайъатлар, уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва ишлаш тартиби

3.1. Ишчи ҳайъатлар буюртмачининг қарори (буйруғи) асосида тузилади. Ишчи ҳайъатларнинг иш тартиби ва давомати бош пудратчи билан келишилган ҳолда буюртмачи томонидан белгиланади.

3.2. Ишчи ҳайъатлар таркибига буюртмачининг вакиллари (ҳайъат раиси), бош пудратчининг, субпудратчи ташкилотларнинг, муаллифий назоратни амалга оширувчи лойиҳа ташкилотининг, давлат санитария, экология ва ёнғин назорати маҳкамаларининг, маҳалла қўмитасининг вакиллари киритилади.

Ишлатилишга мутахассислашган ташкилотлар томонидан амалга оширилувчи лифтларни, иссиқлик-, энергия, газ таъминоти ва ш.ў. ишлатишга

қабул қилишда ишчи ҳайъатлар таркибига қўшимча равишда шу ташкилотлар вакиллари ҳам киритилади.

3.3. Ишчи ҳайъатлар бош пудратчининг объектнинг топширишга тайёрлиги ҳақидаги ёзма хабарини олингандан сўнг кўпи билан беш кун ичида тузилишлари лозим.

3.4. Ишчи ҳайъатлари объектларни ишлатишга давлат қабули ҳайъатига тақдимиғача қуйидагиларга мажбурдирлар:

ижро ҳужжатларининг таркиби ва тўлиқлигини, бажарилган таъмир-қуриш ишлари сифатининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, стандартларга, ишларни бажариш меъёрлари ва қоидаларига мослигини текшириши ва уни баҳолаши;

объектларнинг ишлатишга тайёрлигини текшириши;

объектни давлат қабул ҳайъатига тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилиши.

3.5. Ишчи ҳайъатлари зарур бўлган ҳолларда, бажарилган яширин ишларни назорат қилиш учун айрим конструкция ёки уларнинг тугунларини очиш, шунингдек, айрим конструкцияларни ва муҳандисий ускуналар тизимини (сув ўтказгичлар, канализация, иситиш ва ш.ў.) синашни тайинлаш ҳуқуқига эга.

3.6. Конструкцияларни ва (ёки) уларнинг тугунларини очиш ва кейин тузатиб қўйиш, конструкциялар ва тизимларнинг ишчи ҳайъатлар кўзда тутган синовлари бўйича ишлар, лозим бўлганда, субпудратчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда, бош пудратчи томонидан бажарилади.

3.7. Ишчи ҳайъатнинг ўтказган текширувлари асосида объектнинг капитал таъмири тугалланганлиги ҳақида давлат қабул ҳайъатига тақдим қилиш учун 1-Иловада келтирилган шаклда далолатнома тузилиши лозим.

3.8. Бош пудратчи ишчи ҳайъатларга қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

таъмирлаш-қуриш ишларини амалга оширишда қатнашувчи ташкилотларнинг, улар бажарган ишларининг турларини, ҳамда буларнинг бажарилишига масъул муҳандис-техник ходимларнинг фамилияларини кўрсатган ҳолда, рўйхатини;

қабулга тақдим қилинаётган объектнинг лойиҳа ташкилоти ишлаб чиққан капитал таъмирига оид лойиҳа-смета ҳужжатлари мажмуаси, амалда бажарилган ишларнинг ҳужжатларида кўрсатилганларга ёки таъмирлаш-қуриш ишларини бажаришга масъул шахслар томонидан унга киритилган ўзгаришларга мослиги ҳақидаги ёзувлар билан бирга (кўрсатилган ҳужжатлар ижроия ҳужжатлари ҳисобланади);

шаҳодатномалар, техникавий паспортлар ёки таъмирлаш-қуриш ишларини бажаришда қўлланилган материалларнинг ва қисмларнинг сифатини кафолатловчи бошқа ҳужжатлар;

яширин ишларни шаҳодатловчи далолатномалар ҳамда айрим масъул конструкцияларнинг (қайта қурилган ёки кучайтирилган кўтарувчи деворларнинг, ғишт равоқлар ва гумбазларнинг металл ёки темирбетон кўтарувчи конструкцияларнинг ва б.) оралиқ қабули далолатномалари;

совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, иситиш, шунингдек, шамоллатиш ва зовур қурилмалари ички тармоқларининг синовлари далолатномалари;

ички ва ташқи электр қурилмалари ва электр тармоқларининг синовлари далолатномалари;

телефонлаштириш, радиолаштириш, телевидение, хабарлагич, автоматлаштириш қурилмаларининг синаш далолатномалари;

портлаш ва ёнғин ҳавфсизлигини, яшндан ҳимоя қурилмаларининг синаш далолатномалари;

тош биноларнинг қайтадан қурилган кўтарувчи деворлари (ёки уларнинг қисмларининг) тахламидаги тутиниш мустаҳкамлигини синашларнинг далолатномалари, ишларни олиб бориш ва лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати қайд дафтари, таъмирлаш жараёнида давлат назорати маҳкамалари томонидан ўтказилган ўрганишлар ва текширишлар материаллари.

Изоҳ: Ушбу бандда саналган синаш далолатномалари, кўрсатилган тегишли тизимларнинг (тузилмалар, қурилмалар, тармоқлар ва ҳакозо) таъмири ёки синовлари лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларгина тақдим қилинишлари лозим.

3.9. Банд 3.8. да саналган барча ҳужжатлар ишчи ҳайъатининг иши тугаллангандан сўнг буюртмачига топширилади.

3.10. Капитал таъмирланиши тугалланган объект қисми ёки навбатини 1.3. бандга (2-абзац) мос тарзда ишлатишга қабулида ишчи ҳайъатини шакллантириш ва ишлаши тартиби ушбу қоидаларнинг 4.2, 4.4, 4.5 (3-5 абзацлар), 4.7, 4.9, 4.11 ва 4.13 бандлари талабларига ўхшашдир. Қабул 3-Иловада келтирилган шаклда тузиладиган ҳамда ишчи ҳайъат ошкор қилган барча нуқсонлар ва чала жойлар тузатилганидан кейингина тасдиқланувчи далолатномалар тарзида расмийлаштирилиши лозим.

3.11. Объектнинг 1.3 бандга (2-абзац) мос тарзда айрим унсурларини ишлатишга ёки ташқи ободонлаштириш ва фасадларини таъмири бўйича ишларнинг қабулини амалга оширувчи ҳайъат қабулини 3-Иловада келтирилган шаклда далолатномаларини расмийлаштиради.

3.12. Объектнинг қисмларининг, навбатларининг ва унсурларининг қабули бўйича ишчи ҳайъат далолатномалари ҳамда бу ҳайъатларга бериладиган бошқа ҳужжатлар буюртмачида сақланади.

3.13. Объектларнинг капитал таъмирланиши бажарилгани ҳақидаги ҳисоботга, объектнинг ишлатишга қабули ҳақидаги далолатномалари ишчи ҳайъат томонидан имзоланган ҳамда ушбу қоидалар талабларига мос тарзда тасдиқланган қисмлари, навбатлари ва унсурларигина киритилади.

4.ДАВЛАТ ҚАБУЛИ ҲАЙЪАТЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Капитал таъмирланиши тугалланган объектларнинг ишга қабул қилиниши, мулкчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ижроия ташкилотлари томонидан тайинланган давлат қабул ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

4.2. Давлат қабул ҳайъати таркибига буюртмачилар ишлатиш ташкилоти, бош пудратчи, кичик пудратчи ташкилотларининг, муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотининг, давлат санитария, экология, давшахтех ва ёнғин назоратлари маҳкамаларининг, маҳалла қўмитасининг вакиллари киритилишлари лозим.

4.3. Капитал таъмирланиши тугалланган объектларни ишга қабули давлат қабул ҳайъатларининг раиси вазифасига маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ижроия ташкилотининг ёки ишлатиш ташкилотининг раҳбар ходимларидан бирини тайинлаш тавсия қилинади.

4.4. Объектнинг тийнати ва мураккаблигига қараб, давлат қабул ҳайъати барвақт, лекин капитал таъмирланиши тугалланган объектни ишга топширилиши тайинланган муддатдан камида ўн кун олдин тайинланиши лозим.

Давлат қабул ҳайъати доимий аъзоларини, одатга кўра, уни тайинлаган ташкилот томонидан ҳайъат иши бошлангунча, жалб қилинган ташкилотлар вакиллари эса, тегишли ташкилотлар раҳбарияти буйруғи билан алмаштирилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи давлат қабул ҳайъатига 3.8 бандда саналган, шунингдек, яна қуйидагиларни тошириши шартдир:

ишчи ҳайъатлар далолатномаларини;

ишчи ҳайъатлар ошкор қилган нуқсонлар ва чала ишларни бартараф қилинганлиги ҳақидаги маълумотномани;

тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини;

маҳаллий техникавий инвентарлаш ташкилотининг ишлатишга қабул қилинаётган объектнинг қайта режалаш ёки қайта қуриш билан боғлиқ капитал таъмирлашни бажариш олдиндан умумий ва яшаш сатҳи ҳақидаги маълумотномасини;

қабул қилинаётган таъмирлаш объектини лойиҳалашда иштирок қилган лойиҳа ташкилотлари рўйхати;

шаҳар ишлатиш ташкилотларининг совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, алоқа, иссиқлик, газ ва электр таъминоти ташқи коммуникациялари объектни меъёрий ишлашини таъминлашлари ҳамда таъмирлашдан сўнг, уни хизмат кўрсатиш учун қабул қилганликлари ҳақида маълумотнома (тегишли коммуникацияларни таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолдагина маълумотномалар берилади);

Давлат назоратининг вакиллари давлат қабул ҳайъатига кирмаган тегишли маҳкамалари назоратидаги объектларни ва ускуналарни ишлатишга рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар.

4.6. Объектни ишлатишга қабул қилинганидан сўнг 4.5 бандда саналган ҳужжатлар буюртмачида сақланиши лозим.

4.7. Давлат қабул ҳайъатлари қуйидагиларга мажбурдирлар:
ишчи ҳайъатлар томонидан ошкор қилинган камчиликларининг бартараф қилинганлигини текшириши;

объектнинг ишлатиш учун қабулга тайёрлигини текшириши.

4.8. Давлат қабул ҳайъатлари, лозим бўлганда, 3.5 бандда кўрсатилган кўшимча тарзда синаш ва текширишни тайин қилишга ҳақлидирлар.

4.9. Агар давлат қабул ҳайъати фикрига кўра, объект ишлатишга қабул қилиниши мумкин эмас, деб ҳисобланса, у ҳолда ҳайъат ўзини тайинлаган ташкилотга асосланган хулосани, буюртмачи ва бош пудратчига эса, нусхаларини топшириши лозим.

Тегишли ҳолларда давлат қабул ҳайъати лойиҳалашда ва таъмирлаш-қуриш ишларини сифатсиз бажарган буюртмачи, пудратчи ва объектни лойиҳалашни ва таъмирлашни бажарган бошқа ҳуқуқий шахсларни мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли материалларни юқори ташкилотларга топшириши мумкин.

4.10. Капитал таъмирланиши тугалланган объектларнинг ишлатишга қабулини давлат қабул ҳайъатлари мажбурий 4-Иловада келтирилган шаклда тузилган далолатнома тарзда расмийлаштирилиши лозим.

4.11. Объектларни ишлатишга қабули ҳақидаги далолатномалар раис ва барча аъзолар томонидан имзоланиши лозим. Айрим ҳайъат аъзоларининг эътирозлари, ҳайъат аъзолари вакили бўлган ташкилотлар иштирокида, қабул ҳақидаги далолатнома тасдиқлангунча, қаралишлари лозим.

4.12. Объектни ишлатишга қабули ҳақидаги далолатномани давлат қабул ҳайъати раиси шу ҳайъатни тайинлаган ташкилотга топширади.

Ишларни пудрат усулида бажарилган ҳолда кўрсатилган далолатнома камида беш нусхада тузилади, улар иккитаси давлат ҳайъатини тайинлаган ташкилотга, иккитаси буюртмачига ва бир нусхаси бош пудратчига топширилади.

4.13. Капитал таъмирланиши тугалланган объектларни ишлатишга қабули ҳақидаги далолатномаларнинг, ҳайъат айрим аъзоларининг эътирозларини қараш натижалари бўйича қарорлар қабулининг қаралиши ҳамда далолатноманинг тасдиқланиши ушбу ҳайъатни тайинлаган ташкилот томонидан, далолатномаларга имзолар қўйилганидан кейин кўпи билан етти кун муддат ичида амалга оширилади.

4.14. Объектларнинг капитал таъмирланиши бажарилганлиги ҳақидаги ҳисоботга ишлатишга қабул ҳақидаги далолатномалари ҳайъатни тайинлаган ташкилот томонидан тасдиқланган объектларгина киритилади.

5. КАПИТАЛ-ҚУРИШ ИШЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ.

Капитал таъмирланиши тугалланган объектларнинг қабули жараёнида ҳайъатлар томонидан таъмирлаш-қуриш ишлари сифатига қуйидаги баҳолар берилади:

«қаноатланурли», агарда қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати қурилиш ишларини бажаришга тузилган шартнома (контракт) шартларини, лойиҳавий ечимларни, меъёрий ва қонунчилик актлари талабларини, тегишли ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларни меъёрий қаноатлантирса;

«қаноатланурсиз», агарда қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати юқорида кўрсатилган ҳужжатларни қаноатлантирмаса.

1-Илова
(тавсия қилинади)

**Ишчи ҳайъатнинг капитал таъмирланиши тугалланган объектни давлат
қабул ҳайъатига топширишга тайёрлиги ҳақида**

ДАЛОЛАТНОМАСИ

ш. _____ « ____ » _____ 200 й

« ____ » _____ 200 й. қарори (буйруғи) билан тайинланган ишчи ҳайъат

_____ (ишчи ҳайъатни тайинланган буюртмачи-ташкилот номи)

Ушбу таркибда:

Раис – буюртмачи вакили _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Ҳайъат аъзолари – вакиллар:

Бош пудратчи _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

кичик пудратчи ташкилотлар _____

лойиҳа ташкилоти _____

ишлатувчи ташкилот _____

давлат санитария

назорати ташкилотлари _____

давлат экология

назорати ташкилотлари _____

давлат ёнғин нazorати

ташкилотлари _____

маҳалла қўмитаси _____

мутахассислашган ишлатувчи

ташкилотлар (корхоналар) _____

«Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ҳамда жамоат бинолари ва
иншоотлари ишлатишга қабули қоидалари»га риоя қилган ҳолда
қуйидагиларни **АНИҚЛАДИ:**

1. Бош пудратчи _____
(кичик пудратчилар номи ҳам кўрсатилсин)

_____ томонидан капитал
таъмирланиши тугалланган объектни _____
(объект номи ва жойлашган манзили)

ишлатишга қабулини тавсия қилди.

2. Капитал таъмирлаш ишлари бош пудратчи томонидан _____
(бажарилган иш номлари кўрсатилсин)

ва унинг кичик пудратчи ташкилотлари _____
(ташкилотлар номлари, уларнинг эгалари кўрсатилсин)

қуйидаги ишларни бажарди _____
(бажарилган ишлар номлари кўрсатилсин)

3. Капитал таъмирлашга лойиҳавий-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди _____

_____ (лойиҳа ташкилоти ва унинг эгаси кўрсатилсин)
ва тасдиқланди _____
(лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган маҳкама номи кўрсатилсин)

_____ « _____ » _____ 200 й

4. Таъмирлаш-қуриш ишлари ушбу муддатларда амалга оширилди:

ишларнинг бошланиши _____ ишларнинг тугалланиши _____

5. Ишчи ҳайъатга, ушбу далолатномага илова № _____ да санаб ўтилган, капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ва жамоат бинолари ва иншоотларни ишлатишга қабули қоидаларида кўзда тутилган ҳажмда ҳужжатлар топширилди.

6. Тақдим қилинган объект қуйидаги кўрсаткичларга эга:

_____ (умумий майдонини ёки лойиҳада ва режада кўзда тутилган бошқа кўрсаткичлар келтирилсин)

7. Тақдим қилинган объект бўйича меъморий қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

_____ (қисқача режалаш, қаватлар, асосий материаллар ва конструкциялар бўйича техник

_____ тавсифномлар, капитал таъмирлаш олдиндан ва ундан кейин – муҳандисий усқуналар

_____ бўйича таъмирлашни бажараётганда конструкцияларни алмаштириш қайта

_____ (режалаш, муҳандисий ободонлаштириш савиясини кўтариш)

8. Мавжуд нуқсонлар ва чала қолдирилган ишлар ушбу далолатномага № _____ иловада кўрсатилган муддатларда бартараф қилинишлари лозим .

9. Тасдиқланган лойиҳасида ҳужжатлар бўйича капитал таъмирланиши смета баҳоси _____

_____ (амалда бажарилган ишлар ҳажми бўйича аниқлаштирилган смета бўйича

_____ сметаий баҳо кўрсатилсин)

минг сўм., жумладан қурилиш-йиғув ишлари _____ минг сўм

10. Тақдим қилинган объектни аслида кўздан ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш натижасида таъмирлаш-қурилиш ишларининг сифати баҳоси аниқланади. _____

_____ (қаноатланурли, қаноатланурсиз)

Ишчи ҳайъатнинг қарори

Объект _____

(объект номи ва жойлашган манзили)

Бош пудратчидан қабул қилинган ва давлат қабул ҳайъатига тақдим қилишга тайёр, деб ҳисоблансин.

Далолатномага илова:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

ва ҳаказо.

Ишчи ҳайъат раиси _____
(имзо, фамилия, и.ш.)

Ҳайъат аъзолари _____
(имзолар, фамилия, и.ш.)

Топширдилар

Бош пудратчи ва кичик
пудратчи ташкилотлар
вакиллари

(имзолар, фамилия, и.ш.)

Қабул қилдилар

Буюртмачи вакиллари

(имзолар, фамилия, и.ш.)

2-Илова
(тавсия қилинади)

ТАСДИҚЛАЙМАН:

_____ (сана, далолатномани тасдиқловчи шахснинг фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Объектнинг капитал таъмирланиши тугалланган қисми (навбати)ни ишчи Ҳайъат томонидан ишлатишга қабули ҳақида

ДАЛОЛАТНОМА

_____ ш. «_____» _____ 200 й
«_____» _____ 200 й. қарори (буйруғи) билан тайинланган ишчи ҳайъат

_____ (ишчи ҳайъатини тайинланган буюртмачи-ташкилот номи)

Ушбу таркибда:

Раис – буюртмачи вакили _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Ҳайъат аъзолари – вакиллар:

Бош пудратчи _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

кичик пудратчи ташкилотлар _____

лойиҳа ташкилоти _____

ишлатувчи ташкилот _____

давлат санитария

назорати ташкилотлари _____

давлат экология

назорати ташкилотлари _____

давлат ёнғин назорати

ташкилотлари _____

маҳалла кўмитаси _____

мутахассислашган ишлатувчи

ташкилотлар (корхоналари) _____

«Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ҳамда жамоат бинолари ва иншоотлари ишлатишга қабули қоидалари»га риоя қилган ҳолда қуйидагиларни **АНИҚЛАДИ:**

1. Бош пудратчи _____
(номи ва маҳкамавий оидлик кўрсатилсин)

капитал таъмири тугалланган объектни ишлатишга қабул учун тақдим қилди _____

(бир қисми (навбати) ишлатишга топширилаётган объектини номи ва унинг манзили)

2. Капитал таъмирлаш ишлари бош пудратчи томонидан

_____ (бажарилган ишлар номи кўрсатилсин)

ҳамда кичик пудратчи ташкилотлар _____

(ташкилотлар номлари, уларнинг оидлиги кўрсатилсин)

куйидагиларни бажардилар _____

(иш турлари кўрсатилсин)

3. Капитал таъмирлашга лойиҳавий-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди _____

(лойиҳа ташкилоти ва у оид ташкилот)

ва тасдиқланди _____

(бутун объектга яхлит тарзда лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган

маҳкаманинг номи кўрсатилсин).

« _____ » _____ 200 й

4. Таъмирлаш-қуриш ишлари ушбу муддатларда амалга оширилди:

ишларнинг бошланиши _____ ишларнинг тугалланиши _____

Капитал таъмирлаш давомати (ойлар ёки кунлар) меъёр ёки лойиҳа бўйи
ча _____, амалда _____

5. Ишчи ҳайъатга, ушбу далолатномага илова № _____ да санаб
ўтилган, «Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ва жамоат бинолари
ва иншоотларини ишлатишга қабули қоидалари»да кўзда тутилган ҳажмда
ҳужжатлар топширилди.

6. Қабулга тақдим қилинган, капитал таъмирланиши тугалланган объект

(объектнинг ишлатишга топшириладиган қисми ёки навбати номи)

куйидаги кўрсаткичларга эга: _____

(умумий майдонини ёки лойиҳада ва режада

кўзда тутилган бошқа кўрсаткичлар келтирилсин)

7. Капитал таъмири тугалланган, ишлатишга қабулга тақдим қилинган

(объектнинг ишлатишга топшириладиган қисми ёки навбати номи)

бўйича меъморий, қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар билан
тавсифланади: _____

(қисқача режалаш, қаватлар, асосий материаллар ва конструкциялар бўйича техник

тавсифномалар, капитал таъмирлаш олдиндан ва ундан кейин муҳандисий ускуналар

бўйича таъмирлашни бажараётганда конструкцияларни алмаштириш қайта режа

лаш, муҳандисий ободонлаштириш савиясини кўтариш)

8. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализациянинг, иссиқлик таъминотининг,
газ таъминотининг, энергия таъминотининг ташқи коммуникациялари
топшириладиган меъорий ишлашини таъминлайди. _____

(ишлатишга топшириладиган объект қисми ёки навбатининг номи)

Уларни ишлатиш шаҳар ташкилотлари (муассасалари) томонидан рухсат
қилинган. Шаҳар ишлатиш ташкилотларининг рухсатномалари рўйхати ушбу
далолатномага № _____ иловада келтирилган.

9. Лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ишлар бўйича чала ишлар ва нуқсонлар бартараф қилинган.

10. Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича капитал таъмирланиши смета баҳоси: жами _____минг сўм.

жумладан қурилиш-йиғув ишлари _____минг сўм.

11. Капитал таъмири тугалланиб ишлатиш учун қабулга тақдим қилинган

(ишлатишга тақдим қилинаётган объектнинг қисми ёки навбати номи)

бутунлайин кўздан ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш асосида таъмирлаш-қурилиш ишларининг сифати баҳоси аниқланади.

(қаноатланурли, қаноатланурсиз)

Ишчи ҳайъатининг қарори

Капитал таъмирдан сўнг қабулга тақдим қилинган

_____ (ишлатишга топширилаётган объектнинг қисми ёки номи ва унинг манзили)

_____ ишлатишга қабул қилинсин.

Далолатномага илова:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

ва ҳоказо.

Ишчи ҳайъат раиси _____
(имзо, фамилия, и.ш.)

Ҳайъат аъзолари _____
(имзолар, фамилия, и.ш.)

З-Илова
(тавсия қилинадиган)

**Ишчи ҳайъатнинг капитал таъмирланиши тугалланган объектни
унсурларини ишлатишга қабули ҳақида**

ДАЛЮЛАТНОМАСИ

ш. _____ « ____ » _____ 200 й
« ____ » _____ 200 й. қарори (буйруғи) билан

(ишчи ҳайъатни тайинланган буюртмачи-ташкilotнинг номи)

томонидан тайинланган ушбу таркибдаги ишчи ҳайъат:

Раис – буюртмачи вакили _____

(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Ҳайъат аъзолари – вакиллар:

пудратчи ташкilotники _____

(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

мутахассислашган ташкilotники _____

ишлатувчи ташкilotники _____

маҳалла кўмитасиники _____

мутахассислашган ишлатувчи

ташкilotлар (корхоналар)ники _____

«Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ҳамда жамоат бинолари ва иншоотлари ишлатишга қабули қоидалари»га амал қилган кўйидагиларни
АНИҚЛАДИ:

1. Капитал таъмирлашдан сўнг қабулга _____

(объект унсурлари номи ва унинг манзили)

_____ тақдим қилинди.

2. Капитал таъмирлашни _____

_____ амалда оширди.

(ташкilotлар номлари, кўрсатилсин)

3. Капитал таъмирлаш лойиҳавий-смета ҳужжатларини _____

(лойиҳа ташкilotи ва унинг эгаси кўрсатилсин)

томонидан тайёрланди ва _____

(лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган ташкilot номи кўрсатилсин)

томонидан « ____ » _____ 200 й. тасдиқланди.

4. Таъмирлаш-қуриш ишлари ушбу муддатларда амалга оширилди:

ишларнинг бошланиши _____,

ишларнинг тугалланиши _____

Капитал таъмирлаш давомати (ойлар ёки кунлар) меъёр ёки лойиҳа бўйича _____, амалда _____

5. Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича капитал таъмирлашнинг сметавий баҳоси: жами _____ минг сўм.

жумладан қурилиш-йиғув ишлари _____ минг сўм.

6. Капитал таъмири тугалланиб ишлатиш учун қабулга тақдим қилинган
_____ яхлит кўздан ўтказиш

(объект унсурлари номи)

ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш асосида таъмирлаш-қуриш ишларининг
сифати баҳоси аниқланади.

(қаноатланурли, қаноатланурсиз)

Ишчи ҳайъатнинг қарори

Капитал таъмирдан сўнг қабулга тақдим қилинган

(объектнинг унсурлари номлари ва унинг манзили)

ишлатишга қабул қилинсин.

Далолатномага илова:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

ва ҳоказо.

Ишчи ҳайъат раиси _____

(имзо, фамилия, и.ш.)

Ҳайъат аъзолари _____

(имзолар, фамилия, и.ш.)

ТАСДИҚЛАЙМАН:

(қарор № ва санаси, қарорга имзо қўйган

шахсининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Давлат қабул ҳайъатининг капитал таъмирланиши туғалланган объектни ишлатишга қабули бўйича

ДАЛОЛАТНОМАСИ

« ____ » _____ 200 й. _____
(объектнинг манзили)

« ____ » _____ 200 й. қарори билан _____

(ҳайъати тайинлаган ташкилот номи)

томонидан тайинланган Давлат қабул ҳайъати:

ушбу таркибда:

Раис _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

Ҳайъат аъзолари – вакиллар:
буюртмачиники _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

бош пудратчиники _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

кичик пудратчи ташкилотлардан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

лойиҳа ташкилотидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

ишлатувчи ташкилотдан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

давлат санитария
назорати ташкилотларидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

давлат экология
назорати ташкилотларидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

давлат шаҳар техника
назорати ташкилотларидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

давлат ёнғин назорати
ташкилотларидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

маҳалла қўмитасидан _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

мутахассислашган ишлатувчи
ташкilotлардан (корхоналардан) _____
(фамилияси, исми, шарифи, лавозими)

«Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ҳамда жамоат бинолари ва
иншоотлари ишлатишга қабули қоидалари»га риоя қилган ҳолда
қуйидагиларни **АНИҚЛАДИ:**

1. Буюртмачи _____
(номи ва ва эгаси кўрсатилсин)

томонидан ишлатишга қабул учун таъмирланиши тугалланган объект
_____ тақдим қилинган.

(объектнинг номи ва манзили)

2. Капитал таъмирлаш бош пудратчи _____

(номи ва унинг эгаси кўрсатилсин)

томонидан _____
(иш турлари кўрсатилсин)

ҳамда кичик пудратчи ташкilotлар томонидан _____
(барча ташкilotлар номлари,
_____ бажарилган

(уларнинг эгалари ҳамда ҳар бир ташкilot бажарган иш турлар кўрсатилсин)

3. Капитал таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари _____

(лойиҳа ташкilotи номи ва унинг эгаси номи кўрсатилсин)

томонидан ишлаб чиқилди ва _____

(лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган маҳкама номи кўрсатилсин)

томонидан тасдиқланди.

« ____ » _____ 200 й.

4. Таъмирлаш-қуриш ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилди:

ишларнинг бошланиши _____,

ишларнинг тугалланиши _____

Капитал таъмирлаш (ой ёки кун) давом этди:

меъёр ёки лойиҳа бўйича _____

амалда _____

5. Давлат қабул хайъатига, ушбу далолатномага №1 иловада санаб ўтилган,
«Капитал таъмирланиши тугалланган турар жой ҳамда жамоат бинолари ва
иншоотларини ишлатишга қабул қоидалари» да кўзда тутилган ҳажмда
ҳужжатлар тақдим этилган.

6. Ишлатишга қабул учун тақдим қилинган капитал таъмирланиши тугалланган
объект қуйидаги кўрсаткичларга эга:

_____ (умумий майдони ёки лойиҳада ва режада кўзда тутилган

_____ бошқа кўрсаткичлар келтирилсин)

7. Тақдим қилинаётган объект бўйича меъморий-қурилиш ечимлари қуйидаги маълумотлар бўйича тавсифланади:

(қисқача режалар, қаватлар, асосий материаллар ва конструкциялар бўйича техник

тавсифномалар, капитал таъмирлаш олдидан ва ундан кейин–муҳандисий

ускуналар бўйича–таъмирлашни бажараётганда конструкцияларни алмаштириш,

қайта режалаш, муҳандисий ободонлаштириш савиясини кўтариш).

8. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализациянинг, иссиқлик таъминотининг, газ таъминотининг, энергия таъминотининг ташқи коммуникациялари бинонинг меъёрий ишлатилишини таъминлайдилар, ҳамда шаҳар ишлатиш ташкилотлари томонидан қабул қилинган. Шаҳар ишлатиш ташкилотларининг маълумотномалари рўйхати ушбу далолатноманинг №2 иловасида келтирилган.

9. Ишчи ҳайъат ошкор қилган, лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ишлар бўйича чала жойлар ва нуқсонлар бартараф қилинган.

10. Ташқи ободонлаштириш ва фасадларни таъмирлаш бўйича ишларни қуйидаги муддатларда бажаришга рухсат барилади:

Ишларнинг номи	Сатҳи	Смета баҳоси	Ижрочи	Бажариш муддати

11. Капитал таъмирлашнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлар бўйича смета баҳоси: жами _____ минг сўм.

жумладан қурилиш-йиғув ишлари _____ минг сўм.

Жумладан ишчи ҳайъатлар қабул далолатномалари бўйича олдин тўлангани _____ минг сўм.

12. Капитал таъмири тугалланиб ишлатиш учун қабулга тақдим қилинган объект яхлит кўздан ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш асосида таъмирлаш-қурилиш ишларининг сифати баҳоси аниқланади

(қаноатланурли, қаноатланурсиз)

Давлат қабул ҳайъати қарори

Қабулга тақдим қилинган капитал таъмирланиши тағалланган объектни

_____ (объектнинг номи ва манзили)

_____ ишлатишга қабул қилинсин.

Бош пудратчи икки йиллик муддат ичида (қурилиш ишларини бажариш шартномасида бошқа шарт кўрсатилган бўлмаса), лойиҳа-смета ҳужжатларига мос тарзда бажарилган таъмирлаш-қурилиш ишлари сифатини кафолатлайди ҳамда ўзи таъмирлаган объектда ишлатиш жараёнида ошкор бўлган, унинг айби билан йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилади.

Далолатномага иловалар:

1. Давлат қабул ҳайъатига тақдим қилинган ҳужжатлар рўйхати.
2. Шаҳар ишлатиш ташкилотларининг (корхоналарнинг) маълумотномалари рўйхати.

Давлат ҳайъат раиси _____

(имзо, фамилия, и.ш.)

Давлат ҳайъати аъзолари _____

(имзолар, фамилия, и.ш.)

Мундарижа

	бет.
1. Умумий ҳолатлар.....	3
2. Буюртмачининг, лойиха, таъмир-қурилиш ташкилотларининг, ишчи ва давлат ҳайъатларининг масъулияти.....	4
3. Ишчи ҳайъатлар, уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва ишлаш тартиби.....	4
4. Давлат қабули ҳайъатлари, уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва ишлаш тартиби.....	7
5. Таъмирлаш-қуриш ишлари сифатини баҳолаш.	9
1-Илова. (Тавсия қилинади) Ишчи ҳайъатнинг капитал таъмирланиши тугалланган объектни давлат қабул ҳайъатига топширишга тайёрлиги ҳақида далолатномаси.....	10
2-Илова. (Тавсия қилинади) Объектнинг капитал таъмирланиши тугалланган қисми (навбати)ни ишчи ҳайъат томонидан ишлатишга қабули ҳақида далолатнома.....	13
3-Илова. (Тавсия қилинади) Ишчи ҳайъатнинг капитал таъмирланиши тугалланган объектни унсурларини ишлатишга қабули ҳақида далолатномаси.....	17
4-Илова. (Мажбурий) Давлат қабул ҳайъатининг капитал таъмирланиши тугалланган объектни ишлатишга қабули бўйича далолатномаси.....	20

СТРОИТЕЛЬНЫЕ НОРМЫ И ПРАВИЛА

**ПРАВИЛА ПРИЕМКИ В ЭКСПЛУАТАЦИЮ
ЗАКОНЧЕННЫХ КАПИТАЛЬНЫМ РЕМОНТОМ
ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЙ И
СООРУЖЕНИЙ**

КМК 3.01.09-97

ИЗДАНИЕ ОФИЦИАЛЬНОЕ

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ПО АРХИТЕКТУРЕ И СТРОИТЕЛЬСТВУ**

ТАШКЕНТ 1997

УДК 69.059.25 (083.13)

КМК 3.01.09-97 «Правила приемки в эксплуатацию законченных капитальным ремонтом жилых и общественных зданий и сооружений»/.

Госкомархитектстрой, РУз – Ташкент, 1997.

РАЗРАБОТАНЫ: ГПИ «Узбектаъмирлойиха» М К О Республики Узбекистан (Е.Г. Аренберг – руководитель темы, И.Е.Варакин, З.А.Косячкова – ответственные исполнители.)

ВНЕСЕНЫ ГПИ «Узбектаъмирлойиха» М К О Республики Узбекистан

РЕДАКТОРЫ: Т.Н.Набиев, В.Э.Сташис, Ф.Ф.Бакирханов (Госкомархитект-строй Республики Узбекистан), А.В.Антипов (Главгосэкспертиза), Е.Г.Аренбург (ГПИ «Узбектаъмирлойиха»)

ПОДГОТОВЛЕНЫ К УТВЕРЖДЕНИЮ. Управлением проектных работ Госкомархитектстроя РУз. Д.Ахмедов

С введением в действие КМК 3.01.09-97 «Правила приемки в эксплуатацию законченных капитальным ремонтом жилых и общественных зданий и сооружений» утрачивает силу ВСН 42-85/р/ «Правила приемки в эксплуатацию законченных капитальным ремонтом жилых зданий».

СОГЛАСОВАНО: Минздравом РУз., УПО МВД Руз., Госкомприроды РУз., Госгортехнадзором РУз.

Настоящий документ не может быть полностью или частично воспроизведен, тиражирован и распространен без разрешения Госкомархитектстроя Республики Узбекистан.

Государственный Комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству (Госкомархитекстрой)	Строительные нормы и правила	КМК 3.01.09-97
	Правила приемки в эксплуатацию законченных капитальным ремонтом жилых и общественных зданий и сооружений	В замен ВСН 42 85(р)

Настоящие правила устанавливают общий порядок приёмки в эксплуатацию законченных капитальным ремонтом жилых и общественных зданий и сооружений (далее именуемых объектами) и предназначены для применения органами государственного управления и надзора, заказчиками, инвесторами, застройщиками, предприятиями, организациями, иными юридическими и физическими лицами участниками инвестиционного процесса в строительстве.

1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ.

1.1. Объекты, законченные капитальным ремонтом, предъявляются заказчиком, инвестором или застройщиком (далее именуемых заказчиками) государственной комиссии для приёмки.

